

## ИНФОРМАТИКА ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Ўринбоев Абдуллажон Ҳосилбек ўгли

Андижон Давлат Педагогика институти Математика ва информатика йўналиши  
1-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6990837>

**Аннотация.** Мақолада инновацион таълим технологиялари ва улардан фойдаланиш ҳақида баён қилинган. Шунингдек таълим жараёнида фойдаланиладиган инновацион-интерактив технологиялар келтирилган.

**Калим сўзлар:** инновация, инновацион таълим, алгоритм, алгоритмик компетенция, педагогик фаолият, ўқитувчи компетенцияси.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ ИНФОРМАТИКИ

**Аннотация.** В статье описаны инновационные образовательные технологии и их использование. Также представлены инновационные интерактивные технологии, используемые в образовательном процессе.

**Ключевые слова:** инновации, инновационное образование, алгоритм, алгоритмическая компетентность, педагогическая деятельность, компетентность учителя.

## THE USE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN INFORMATICS LESSONS

**Abstract.** The article describes innovative educational technologies and their use. Innovative interactive technologies used in the educational process are also presented.

**Keywords:** innovations, innovative education, algorithm, algorithmic competence, pedagogical activity, teacher's competence.

### КИРИШ

Таълим соҳасини жадал ислоҳ қилиш даврида педагогик янгиликларни жорий этишга йўналтирилган инновацион фаолият алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Таълим жараёнида инновациялар – бу дарс беришнинг замонавий методикаси, таълим мазмунини янги услублар билан бойитиш ҳамда таълим натижаларини баҳолашнинг янги методларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги. 2017-йил 20-апрел, ПҚ-2909-сон 4-қарорида “Таълим жараёнида олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялари, ўқитишнинг инновацион методларини кенг жорий этиш...” [1] зарурлиги таъкидланади. Бу эса илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий таълим технологияларини жорий этиш асосида янада такомиллаштиришга олиб келади.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади.

Таълим муассасаларининг ўқув тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари ҳисобланган интерфаол методлар, илғор хорижий тажрибалар, инновацион

технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Инновацион таълим технологияларини ўз ўрнида қўллаш билиш – дарс жараёнидаги педагогик маҳоратни, бўлажак ўқитувчилар ва тарбиячиларга педагогик ижодкорлик, педагогик техника, мулоқот олиб бориш тактикаси, нутқ маданияти, таълим берувчининг маънавий-маърифий, тарбиявий ишларини ташкил этиши ва амалга ошириш ҳамда ўз касбини ривожлантириб боровчи педагогик фаолиятлар тизими тўғрисида маълумотлар беради [2].

Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларнинг жорий қилиниши таълимни кўргазмалли ва мазмун-моҳияти жиҳатидан эмоционал бўлишини кучайтириб, турли типдаги ўргатувчи дастурларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, билишга оид математик ўйин дастурларини тузиш малакаларини шакллантиради.

Шунингдек, талабаларни фанга қизиқтиришда аукцион, семинар, конференция, фестивал, мусобақа, ҳамда брейн-ринг каби ўйин методлари, баҳс-мунозара, метафоралардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Аудитория машғулоти жараёнида талабаларда алгоритмик компетенцияларни ривожлантиришга доир кейс метод, лойиҳавий таълим, маҳорат дарслари, рефлексив тренинглар, бинар машғулотлар, портфолио, ижодий топшириқлар каби инновацион-интерактив технологияларга асосланиш юқори самара беради.


Бундан ташқари, дарсларда офис дастурлари, математик моделлаштириш, муаммони ечимини ҳал қилиш учун унинг алгоритм дастурини тузиш ва компьютер имкониятларидан фойдаланиш ўқувчиларга маълумотларни график режимда компьютер мультимедиаси кўринишида тақдим қилиш, ўқув жараёнида сезиларли даражада мустақил ишлашларини ривожлантириш билан бирга, информатика фанини ўзлаштиришларида яхши натижага олиб келади.

Масалан. Топшириқ -1. Алгоритм турлари ва унинг тузилиши, вазифаларини ифодаловчи кластер тузинг.

Талабалар тахминларини айтадилар, ўқитувчи фикрларни умумлаштиради ва жавобларни кластер шаклида доскага ёзади, натижада талабаларда Алгоритм ва дастурлаш курси бўйича билим, кўникма ва малакалар ривожланади.




Топшириқ-2. Ақлий хужум. Компьютернинг асосий платасини тўлдириш.



Рақамланган катакчалар уларнинг номлари билан тўлдирилиши кераклиги айтилади.

Ва яна дарсларда Нилуфар гулидан фойдаланамиз.

Нилуфар гули: Бунда гул баргларини очиқ ҳолда беришимиз ҳам мумкин бу билан ўқувчилар фаоллигига эришамиз.



## МУҲОКАМА

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш - янгиликни идрок қилишга инновацион таёргарликни шакллантириш ва янги ҳаракат қилишга ўргатиш билан амалга оширилади.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, функциялари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари ва бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида ташкил этиш имконини беради [4].

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, олий ва умумий ўрта таълим муассасаларида информатикани ўқитишнинг методларини назарий ҳамда амалий таҳлил қилиш, рақамли саводхонликни ва маданиятни, танқидий фикрлаш ва креатив ахборот-коммуникацион компетенцияларини шакллантириш, шу билан бирга замонавий ахборот – коммуникация технологиялардан креатив даражада фойдаланиш, ҳаётий муаммоларни замонавий АКТ асосида лойихалаштириш, моделлаштириш, алгоритмлаш, дастурлаш ва бошқаришни ўзлаштириш имконини беради.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги. 2017-йил 20-апрел, ПҚ-2909-сон қарори 4.
2. Ишмухаммедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. – Т.: RBIMM, 2008. – Б. 78.
3. Абдуқодирова П.Т. Информатика дарсларида лаборатория машғулотларининг аҳамияти. Наманган давлат университети Ахборотнома 2022 –№6 .615-619 б.
4. В.И. Загвезинский «Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука», Тюмень 1990 г.